# ТАБИАТ КЕЛИНЧАГИ, ЮМУШЛАР БЕЛАНЧАГИ БАҲОР

*Ватанимизни боғу-роғларга буркайлик*

## ЗОМИННИНГ ТЕРАКЛАРИ

Зомин туманидаги «Зомин» ижара-ширкат бирлашмасининг Боймоқли қишлоғи ҳудуди чўл, лалми ҳудудга киради. Ер сифатли бўлгани билан оқар сув йўқлиги туфайли бу ерларга одат бўйича дарахтлар кам экиларди. 1993 йили биринчи тажриба сифатида бир гектарча терак экдилар. Минг бир жанжаллар эвазига Зомин сув омборидан обиҳаёт келтирилди. Натижада тераклар бехато кўчат олиб, бўйи 2-3 метрга етди. Бундан руҳланган боймоқликлар 1994 йили яна 6 гектарга терак, 1 гектарга анор, 5 гектарга олма кўчатлари ўтқаздилар. Терак қаламча сифатида экилди. Анорни маҳаллий шароитда кўчат олдирдилар. Фақат олма кўчати бартер ҳисобига (буғдойга) алмаштирилди. Хуллас, ортиқча сарф-харажатга йўл қўйилмади. Ака-ука Сайфиддин ва Абдуаҳад Эшбоев, Исмат Қурбонбоев, ота-бола Ҳамид, Бахтиёр, Наврўз Жияновларнинг кайфиятлари кўтаринки, чунки ёз самарали ўтди, иккинчи йил кўчатлари ҳам бир текис унди. Хомаки ҳисобларга қараганда, ҳар бир гектарга 30 минг терак қаламчаси ўтқазилди. Дарахтнинг ўн йилда кесилишини назарда тутсангиз... Эҳ-ҳе, чалкашиб кетасан. Бор-йўғи ўн йил чидаш керак, ўшанда ҳар қандай зўр даромад берадиган экиндан кўпроқ фойда оласиз. Олма-анор ўз йўлига.

Боймоқли ва унинг атрофидаги қишлоқлар асрлар мобайнида лалмичилик, чорвачилик билан шуғулланиб, сотса, фақат, мол, гўшт, сомон сотиб тирикчилик қилган. Мана, энди миришкорликни ўрганишмоқда. Россия билан алоқалар узилиб, қурилишбоп ёғочлар ўта зарур ва қимматбаҳо бўлиб бораётган бугунги кунда заминликларнинг бу иши таҳсинга сазовор. Шу тахлит нафақат ёғоч масаласи ҳал бўляпти. Балки, неча юз одамлар ишли бўлишади, ишлаб чиқариш кенгаяди. Ҳар бир туман, ҳар бир хўжалик ўз аҳолисини ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминласин, деган бугунги кун талабига зоминликларнинг жавоби шу.

Абулқосим МУҲАММАД РАСУЛ,
«Туркистон» мухбири.

## БОРЛИҚНИНГ ЭРКА ФАРЗАНДИ

Қадрдон ўлкамиз бўйлаб яна сулим баҳорнинг илиқ нафаси кеза бошлади. Баҳор!.. Табиатнинг, борлиқнинг эрка фарзанди. Бу эрка фарзанднинг она-юрти мизга қилган бу галги ташрифи қалбларимизга ўзгача бир фахр, ғурур олиб кирди. Негаки, қалбимизда она-юртимизга нисбатан кечаётган бу каби туйғулар она табиатга хусусан баҳорга бўлган муҳаббат ҳисси билан ҳамоҳанг бўлиб, халқим дилидаги мустақиллик деб аталмиш ажойиб туйғу билан уйғунлашиб кетди. Бир сўз билан айтганда, мустақилликнинг илк мевалари таъмини туя бошлаган она юртимизни қутлаб кўклам кириб келди.

Одатда, инсонлар байрамларда, яхши кунларда бир-бирларини қутлаб, ўзларининг эзгу тилак-истакларини билдиришади. Тилак... Нима ўзи бу?

Истакми, сўровми ва ё илтижо?

Агар бу истак бўлса, истакларимиз, яъни одатда бир-биримизга билдирадиган тилакларимиз ҳосил бўлишига зора ўзимиз ишонамизми?

Ё сўровмикан? Унда табиатдан кимларгадир, нималарнидир сўраб туриб, уларнинг ҳамиша ҳам рўёбга чиқавермаслигини биламизми ёки уларни рўёбга чиқиши учун озгина бўлсада ҳаракат қилишга ярайимизми?

Эҳтимол бу илтижодир? Билмадим...

Ҳар жойда, ҳар кимга чиройли сўзлар билан ўзимизнинг эзгу тилакларимизни билдираверамиз-у, бу билан, назаримда унинг яъни тилакнинг ҳақиқий қимматини йўқотаётгандаймиз. Ҳар гал нима сабабдандир, кимгадир тилак билдиришга тўғри келади-ю, ўша лаҳзада бир сония жим қолиб шуларни ҳаёлимиздан ўтказаман.

Афсуски, ҳаёлим асрий жавобсиз саволлар гирдобида қолади-ю, суяксиз тилим ёки ожиз қаламим юз марталаб қайтарилган тилакларни сўзлашга тушиб кетади. Яхшиямки, юқоридаги саволлар аҳён-аҳёнда мени назорат қилиб туради ва шунчаки тилак айтишга қўймайди.

Халқим! Сенинг ёниқ вужудингда кашф этганим буюк бир дард мени мафтун этди. Бу сенинг ҳаётга, ҳақиқатга бўлган чексиз муҳаббатингдир. Шулар боисми, негадир бугун баҳорнинг илк кунида сенинг шаънингга шунчаки тилаклар билдиришга ожизлик қиляпман. Назаримда, сен бу тилак-истаклардан жудаям юксакликда турасан. Унга менинг тилим ҳам, қўлим ҳам, дилим ҳам етмайди. Сенинг жажжи юрагинг ўзидан минг марта юксакроқ мана шу буюк дардни кўтариб яшаётгани учун шубҳасиз-фалакнинг энг олий бахтига лойиқдир. Мен бу бахтни сўз билан таърифлаб беришга ожизман. Бугун сенинг шаънингга айтишим лозим бўлган тилак шунчалик соф, шундайин илоҳий-ки, биз оддий инсонлар уни тилга олишга, ҳатто ҳис этишга қодир ҳам, муносиб ҳам эмасмиз. Илло, сенга бу бахтни ҳаётнинг, она-заминнинг ўзи, унга бўлган мислсиз муҳаббатингга муносиб жавоб сифатида тиласин ва шу тилаги билан қўшиб берган бўлсин. Сенинг вужудингдан, қалбингдан тошиб турган яхшилик, эзгулик сени абадул-абад тарк этмасин.

Кўклам муборак, азиз юртдошларим! Ушбу кўклам ҳар бирингизнинг хонадонингизга ўзининг чексиз қувончли дамлар ила келган бўлсин.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ.





*Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан*

## У ГЎЗАЛ, СЎЗДАН-ДА ГЎЗАЛДИР

**. Бибихоним хоннинг қизи.**
**. Амир Темурнинг суюкли аёли**
**·Руҳларни кимлар безовта қилди?**

Таърифи дунёнинг етти иқлимига ёйилган, тунлари «Минг бир кеча» эртакларикаби сеҳрли ва жозибали, жаннатмакон Самарқандда Бибихоним ҳақида неча-нечалаб афсона-ҳақиқатлар авлоддан-авлодга мерос бўлиб келмоқда.

Аммо Бибихоним ҳақида тарихий маълумотлар жуда кам сақлангандир. Чунки Шарқ тарихчилари маликалар ҳақида иложи борича кам гапирганлар. Негаким, бировларнинг аёллари ҳақида ортиқча гапириш шарқона одоб доирасига кирмаган.

Урта аср муаррихларининг ёзишича 1370 йили амир Ҳусайн амир Кайхусрав томонидан қатл этилгач, Амир Темур Бибихонимни ўз никоҳига олади. Бибихоним хоннинг қизи бўлганлиги учун жаҳонгирнинг ҳарамида катта хоним деган унвонга сазовор бўлди.

Бибихоним қисқа вақт давомида Самарқандда катта обрўга эришди. У ўзининг ақлу-фаросати, меҳрибонлиги билан сарой аҳллари, оддий халқнинг тилига тушди. Ўша даврда яшаган шоир унинг гўзаллиги ҳақида: «Унинг гўзаллигини сўз билан англатмоқ мушкул, чунки ул ҳар қандай гўзал сўздан-да гўзалдир» деб ёзганди.

Бибихонимнинг ақлу-фаросатига тан берган Амир Темур бўлажак тахт ворисларининг тарбиясини унга ишониб топширади. Бибихонимга ақлу-фаросат, гўзаллик бобида хасислик қилмаган табиат она бўлиш бахтидан бенасиб қилганди. У бор меҳру-муҳаббатини Мирзо Улуғбек ва Халил Султон каби набираларига бағишлади.

Бибихоним ўз сармояси ҳисобидан Самарқандда улуғвор мадраса қурдирди, олиму-уламоларга моддий ёрдам кўрсатди, меъморлар билан қурилажак иншоотларнинг лойиҳаларини муҳокама қилди. Булардан ташқари унинг ўзи бош бўлиб набираларининг никоҳ тўйларини ўтказди, янги чақалоқлар дунёга келганда эса бешик тўйларини қилиб берди.

Бибихоним Амир Темурнинг деярли барча ҳарбий юришларида қатнашган, оғир пайтларда унинг кайфиятини кўтарган, ғалаба нашидасини бирга баҳам кўришган. Шу сабабли у дунёнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиққан.

Амир Темурнинг вафоти пайтида ҳам Бибихоним унинг ёнида эди. Унинг васиятларини ўз қулоғи билан тинглади. Соҳибқирон вафотидан сўнг Бибихонимнинг бошига ҳам кўп кулфатлар тушди. Тахтни эгаллаган Халил Султон ўз иноннихтиёрини хотини Шоди Мулкнинг қўлига топширди. Соҳибқирон жорий қилган давлатни бошқарув қоидалари ҳам бузила бошлади. Тадбиркор амирулашкарлар четлатилиб, нолойиқ кимсалар саройга яқинлаштирилди. Бу ишларнинг оқибатидан давлат инқирози тезлашди. Шоди Мулк бу билан ҳам тинчимади — жаҳонгир бобосининг суюкли хотинларини зўрлаб эрга бердиртирди. Бибихонимни ҳам насл-насаби паст кимсага турмушга беришди. Бу билан Шоди Мулк Самарқандда якка ўзи Бош малика бўлиб қолишни истаган бўлса керак. Тарихчи Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Шоди Мулк яширин равишда Бибихонимни заҳарлаб ўлдиртиради. Уни ўз онаси дафн этилган мақбарага қўядилар. Бу мақбара ҳозирги Бибихоним масжидининг қарама-қарши томонидан жой олгандир.

Мирзо Улуғбек 1409 йили Самарқанд тахтига ўтирганда суюкли бувиси - Бибихоним ҳаётдан кўз юмган эди. У бувисининг мақбарасига катта эътибор берди. Уни таъмирлашга маблағ ажратди. Орадан асрлар ўтди. Самарқанд тахти ҳам қўлдан-қўлга ўтди. Темурийлар ўз ўринларини бошқа сулолаларга бўшатиб бердилар. Кўпгина обидалар ер юзидан ном-нишонсиз йўқолиб кетди. Аммо Бибихоним мақбараси бизнинг кунларимизгача етиб келди...

XX асрнинг биринчи ярмига келиб мақбаранинг ороми бузилди. 1926 йили Самкомстарис ташкилотининг ходими рассом М.Мрачковский илк марта Бибихоним мақбарасида қазиш ўтказди. Рассом қазиш ишларини олиб бориш билан бир вақтда мақбара деворларида сақланиб қолган шакллар ва ёзувларнинг нусхаларини ҳам кўчириб олди. Лекин тобутларга тегмади. Қабрлар эса биринчи марта Самарқанд Оқ подшо томонидан истило қилинганидан сўнг, 1874 йили очиб кўрилди. Аммо бу қабрлар нима мақсадда очилганлиги ҳозиргача маълум эмас. Қабрлар иккинчи марта 1928 йили очилгандир. Бир гуруҳ ўғрилар бойлик излашиб, барча тобутларни очишиб, суякларни ағдар-тўнтар қилганлар, жасадлар билан бирга кўмилган зебу-зийнатлар, тақинчоқларни ўғирлаганлар. Бибихоним мақбарасидаги тоштобутлар учинчи марта 1941 йилнинг июнь ойида очилди. Бу ишни махсус тузилган Ҳукумат комиссиясининг аъзолари бажардилар. Бу ишга археолог Я.Ғ.Ғуломов раҳбарлик қилди.

Мақбарадаги қазишмалар жараёни бошидан охиригача кинога олинди . Археологларнинг аниқлашларича, мақбарада тўртта тоштобут сақланган бўлиб, уларнинг устки қисмлари тош қопқоқлар билан ёпиб қўйилган. Тарихий манбаларга қараганда, мақбарага дастлаб Бибихонимнинг онаси дафн этилган. Ундан ташқари шахси номаълум, 25-30 ёшли яна бир малика ҳам дафн этилган. Бибихоним дафн этилган тоштобут мақбаранинг шарқий токчасига жойлаштирилган бўлиб, у яхлит мармартошни ичини ўйиб тайёрланган. Тобутнинг устида иккита тош қопқоқ бўлиб, уларда ҳеч қандай ёзув ёки белги йўқ. Аммо, тарихчи С.Лапиннинг ёзишича, бу тош тобутнинг устида 1895 йилгача ёзув битилган мармар тахта бўлган. У ёзувларни ўқиб, кўчириб олганди. Унинг ёзишича, тоштахтанинг тепа қисмида Қуръондан кўчирилган оятлар битилган бўлиб, унинг пастида эса: «Мажнуннинг ўлимидан сўнг минг йил ўтса ҳамки унинг кафанидан ҳамон ишқ дарди таралади» деган ёзуви битилган. Аммо, 1926 йили М. Мрачковский бу ерда қазиш олиб борганда бу тахта ўғирланиб, ўрнига ёзувсиз тоштахта қўйилган эди. Экспедиция аъзолари Бибихоним қабри устидаги иккала тоштахталарни кўчиришиб, тоштобутнинг ичида мўмиёланган аёл кишининг тартибсиз сочиб ташланган суякларини кўрдилар. Жасад дастлаб осмонга қараб чалқанчасига ётқизилган бўлиб, оёқлари узатилган, қўллари эса кўкраги устига йиғилган ҳолатда бўлган. Нобакор ўғрилар бойлик ахтариб жасадни титиб кўришган, тақинчоқларини суяклардан чиқариб олишган. Тоштобутнинг тубидан сочилиб кетган бир неча мунчоқлар топилди. Жасаднинг елка томонида райҳон уруғи ва барглари топилди. Антрополог М.Герасимовнинг аниқлашича, жасаднинг ёши тахминан 60-70 ёшларда экан.

Экспедиция аъзолари Бибихоним мақбарасидан топилган барча суякларни махсус идишларга жойлашиб, 1941 йилнинг июнь ойида Тошкентга олиб кетганлар. Суяклар анча йиллар давомида Тошкентдаги бир музейнинг омборида - зах ерда ётган. Зах таъсирида Бибихонимнинг онаси ва шахси аниқланмаган ёш маликанинг суяклари батамом чириб кетган. Самарқанд музейининг раҳбари М.С.Юсуповнинг сайъи-ҳаракати билан Бибихонимнинг жасади ўз жойига келтирилиб, қайта дафн этилган.

Ҳозирда Бибихоним бу мақбарада яккаю-ёлғиз ётибдилар. Бибимиз ўз тақинчоқлари ва безакларидан, ҳатто кафанидан ҳам жудо бўлган. Мақбара ҳозирда тикланмоқда, зиёратчилар учун вақтинча ёпиқ. Мақбара атрофида ўнлаб тижорат дўконлари қад кўтарган, уларда савдо-сотиқ қизғин, шовқин-сурон авжида. Фақат, мақбаранинг ичи сокин ва жимжит.

Мен яқинда Бибихонимни зиёрат қилиш учун бордим. Усталарнинг рухсати билан ичкарига кирдим. Мана, шарқий токчадаги тоштобутда Бибихоним ётибдилар. Руҳи ва жасади безовта қилинган Бибихоним эндиликда сокин уйқуда. Унинг Ватани аслига қайтмоқда. Авлодлари ҳам ўз улуғларини улуғлай бошладилар. Мақбаранинг ичи сокин — гўё бу ерда вақт ҳам тўхтаб қолгандай.

Амриддин БЕРДИМУРОДОВ.

## «НАВРЎЗ — 95» ГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда Иштихон тиббиёт билим юрти талабалари ва ўқитувчи-муаллимлари «Наврўз-95» тадбирига бағишлаб, ўзига хос тантанага йиғилишди. Унда ўзбекона удум ва қадриятларимиз хусусида сўз борди. Тиббиёт билим юрти директори ўринбосари Неъматжон Абиев жамоа ёшларининг ўқув жараёнидаги муваффақиятларидан фахрланиб гапирди. Туман ҳокимининг ўринбосари Тошқувват Ражабов бу йил Иштихонда Наврўз тантаналари кенг нишонланишини, бунга эса ҳозирдан пухта тайёргарлик кўрилаётганлигини ифтихор туйғуси билан қайд этди.

— Туманимизнинг 1994 йилги 34 минг тоннага яқин «оқ олтин» хирмонини бунёд этишда сиз, талаба ёшлар, билим юрти ўқитувчиларининг улуши ғоят катта бўлди.

Сизнинг астойдил ғайрат-шижоатингиз туфайли хўжалигимиз пахтакорлари йиллик маррани туманда пешқадамлар қаторида ўринлатди, — деди Азиз Йўлдошев номли ширкатлар уюшмаси раиси, Илҳом Қўчқоров. — Барчангизга катта раҳмат! Негаки, туман хўжаликларининг юксак хирмонида сизларнинг 700 тонналик муносиб улушингиз бор...

Сўнг эса мавсум пешқадамларига туман ҳокимлиги ва туман Ёшлар Иттифоқи қўмитаси ҳамда хўжаликларнинг Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари тантанали топширилди. Билим юрти талабалардан Шаҳноза Ҳасанова, Дилфуза Алибекова, Мақсуда Раҳматова, Шоҳсанам Ҳамроева, Камола Пўлатова, Шоҳида Тўрақулова ва бошқалар мукофот эгалари бўлишди.

«Наврўз-95» ва «Оқ олтин» мукофотларига бағишланган тантана куй-қўшиқ ва рақслар гулдастасини намойиш этиш билан ниҳоясига етди. Туман Маданият уйи санъаткорлари хизматда бўлишди.

Абдулла ТУРДИЕВ,
журналист.

*Қанотли хабар*

*Иш билганга...*

## МУТАЛЛИХОН ВА УНИНГ КОРХОНАСИ

**. Керакли қўлланма .**
**. Ўттиз бир ўқувчига 15 сўмдан...**
**. Муаммолар ҳам йўқ эмас.**

Вилоят ички ишлар бошқармасининг ўйингоҳида жойлашган кичик корхона — Наманган шаҳар ҳужжатларни муқовалаш ташкилоти директори Муталлихон Муҳсинов «қўл-оёқли» йигит.

Кичик корхонада 22 нафар ёшлар меҳнат қилади. Жамоа аъзолари озчиликни ташкил қилса-да, аммо улар бажараётган юмушлар кўлами анча кенг. Бу ерда корхона ва ташкилотлар, хўжаликлар иш фаолиятида асқотадиган бош ҳисобчилар учун сув билан ҳаводек зарур ҳисобланган бош китоб, «иш ҳақи», «хазина», «ишонч», «ҳисоб-китоб», «кўп хонали», «тадбиркор»каби ўнлаб қўлланмалар тайёрлаб берилади.

— Корхонамиз фаолиятига бу йил беш йил тўлади, — деди Муталлихон. — Шу қисқа давр ичида вилоятдагина эмас, қўшни вилоятлардаги кўплаб корхона ва ташкилотларга ҳам нафимиз тегди. Улар бизнинг меҳнатимиздан баҳраманд бўлдилар. Биз ҳужжатларни муқовалаш ҳамда китоблар тайёрлаш билангина чекланиб қолмадик. Ўтган йилдан бошлаб шахмат-шашка тахтаси ва қоғоз елими (клей) ҳам тайёрлаб савдога чиқардик. Бу йил яна битта янгилик — болалар учун варақланадиган йилнома (тақвим) ишлаб чиқаришни режалаштиряпмиз. Бу ниятимиз 1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига қадар амалга оширилади. Корхонамизнинг ютуқларида илғор ёшларимизнинг алоҳида меҳнатлари борлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. В. Юсупова, Э. Валихўжаев, М. Қирғизова, У. Абдуғаниева, У. Шарифбоев каби ёшларимиз ҳамкасбларига намуна.

Дарвоқе, бу ерда фақат ёшлар меҳнат қилади. Уларнинг ойлик маошлари ҳам чакки эмас. Корхонада ҳар бир ишчининг ўртача иш ҳақи 800-900 сўмни ташкил этаётир.

Ўтган йили корхона 186 минг сўмлик иш бажарди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлики, ана шу корхона Наманган шаҳридаги 40-ўрта мактабнинг 31 нафар аълочи ўқувчиларига ойига 15 сўмдан стипендия ҳам таъсис этди.

— Демак, ишларингиз чакки эмас, сизда ҳеч қандай қийинчилик ва муаммога ўрин йўқ, —экан-да савол бердик М. Муҳсиновга.

— Битта муаммо бор. У ҳам бўлса янги бино барпо этиш масаласи. Наманган шаҳар ҳокимлиги бизга бу масалада кўмак берса, бинони тезда бунёдга келтириш қўлимиздан келади.

Муталлихон билан бафуржа суҳбатлашишнинг иложи бўлмади. Кетма-кет телефон қўнғироқлари, узоқ-яқиндан ташриф қилган буюртмачилар уни йўқлаб кутиб қолишди. У билан хайрлашарканман, ҳаётда кимгадир керак бўлиб яшаш завқи ўзгача бўлишини яна бир карра юракдан ҳис этдик.

Ғаффор РАСУЛ,
«Туркистон» мухбири.

*Мулк эгаси билан гўзал*

## ТУНГИ ДЎКОН ХИЗМАТИНГИЗДА...

**· Кечқурун 7.00 дан кечаси 1.00 гача...**
**· Хориж билан ҳамкорлик...**
**· «Винклер» ускуналари ўрнатилади...**

Тунги дорихона, тунги ошхона, тунги сеанс каби сўзлар қаторида тунги дўконни ҳам эшитгансиз. Мабодо, дўкон ишламаса ҳам қоровуллар спиртли ичимлик пуллаб туришган, хуллас тунги дўкон атамаси сиз учун янгилик эмас. Аммо, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, бозор иқтисодиётига ёки одамларнинг ғайрат-шижоати, ақлу-заковати билан тараққий топиши лозим бўлган янги ҳаётга ҳам қадам ташладик. Энди, тадбиркор ғолиб бўлаверади, биз гоҳ у соҳада, гоҳ бу соҳада шаҳду шиддатли инсонлар амалга ошираётган ишлар борасида сизни огоҳ қилаверамиз. Мана, муборак рамазон ойида пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги Паркент кўчасида жойлашган «Мадина буржи» хусусий корхонаси харидорлар учун ажойиб «совға» ҳадя этибди.

Аслида кечқурун соат 7 ёки 8 дан сўнг озиқ-овқат дўконлари деярлик ишламайди. Рўза тутаётган айрим кишилар нон ёки бошқа маҳсулотларни харид қилишга улгура олишмаган бўлса, анча ташвиш, бозорда ҳам бу пайтда деярлик жим-житлик: шунда бехосдан фаолият кўрсатаётган тунги озиқ-овқат дўкони қаршисидан чиқиб қолсангиз ва нарх-наво ҳам кўнгилдагидек эканлигини билсангиз...

... Худога минг қатла шукур, дейсиз. Ҳамза туманида шундай деяётганлар кўп. Гулчеҳра Алламуродова шундай харидорлардан:

— Иккита ёш фарзандим бор, уларга сут, гўшт, ёғ... озиқ-овқат керак. Баъзан нон тугаб қолади, болага буни тушунтириб бўлмайди, айниқса, ишга саҳарлаб кетадиган хўжайинимга нонушта тайёрлаб қўйиш. Бу дўконда сут, сариёғ, гўшт маҳсулотлари, ширинликлар, макарон, туз, гугурт, энг кераклиси ёғ билан нон хоҳлаган пайтда бор. Тунда ишлашгандан бери, нонсиз қоламан, сут йўқ деб ўйланавермайман.

Гулчеҳрахоннинг гапларини маҳалла оқсоқоллари ва бошқа харидорлар ҳам қизғин қўллаб-қувватлади. Елена Киселова эса ҳеч қачон кундуз куни ишлайдиган мана бу асосий дўконда ҳам «бизда шакар йўқ, гуруч тугаган, совун умуман келгани йўқ» қабилидаги сўзларни эшитмаганлигини айтди. Шундай илиқ сўзлардан кейин дўкон мудири, «Мадина буржи» хусусий корхонаси раҳбари Ҳабибулла ҳожи Аҳмедов билан суҳбатлашдик.

— Илгари талон жорий қилинганда, дўконимиз 5 мингдан ортиқ харидорга хизмат кўрсатарди. Бундан ташқари доимий равишда сут, сут маҳсулотлари, гўшт, нон каби кундалик зарур молларни узлуксиз сотамиз. Лекин, бозор иқтисодиёти биздан юқори малакали савдо хизматини, пештахталарни ўз кучимиз билан тўлдириб қўйишимизни талаб қилмоқда. Ахир, дўкон номи, «озиқ-овқат» бўлгач, таомга тааллуқли барча нарсалар бўлиши жоиз, токи харидорда «бу жойдан фалон нарсани тополмайман» деган шубҳа ўрнини доимо ишонч эгаллаб турсин. Шу йил биринчи январдан дўкон хусусий корхонага айланди. Ҳисоб рақамларимиз, штамп, муҳримиз бор. Эркин фаолият бошладик. Аввало, дўконимиз қошида кечқурун соат 7 дан 1 гача ишлайдиган «Тунги озиқ-овқат дўкони» биносини жуда қисқа муддатда қуриб, ишга туширдик. Мана бу дўконда нима бўлса, тундагисида ҳам шу маҳсулотлар туради. Шунингдек, трамвай бекати ёнида салқин ичимликлар, музқаймоқ, ширинликлар, гўшт билан савдо қилувчи тармоқ ишлаяпти. Ичкарида эса куни бўйи, қаҳвахона одамлар билан гавжум, у ерда қандолат маҳсулотлари, шоколадлар, музқаймоқ кабилар сотилади. Россия, Қозоғистон ва бошқа хорижий давлат фирмалари билан шартномалар туздик. Парҳезбоп гречиха, нон, сут, гўшт ва бошқа маҳсулотлар билан бир кунда 2 мингдан ошиқ харидорга хизмат қиламиз. 2та шаҳобчамиз ҳам бор, у жойларда ҳам минглаб харидорларнинг ишончини қозонганмиз. Улар бизга тўлиқ ишонишлари учун ҳаракат дастури туздик. Жумладан, корхона мақомини тўлиқ сақлаб қолиш учун маҳсулотларни талабга қараб ўзимиз ишлаб чиқаришга ўтишимиз лозим. Аввало, Лисунова кўчаси 2-даҳада жойлашган дўкон қошида тандирхона қурдик. Кунжутли, иссиқ нон 2 сўм 88 тийин. Бу ерда эса иккита печка ўрнатиб, қандолат маҳсулотлари тайёрлашга ҳозирлик кўриляпти. Яна йўл бўйида музқаймоқ, ширинликлар билан савдо қиладиган қаҳвахона, қурилиш жиҳозлари дўкони ҳам қуряпмиз. Келгусида, Олмониянинг «Винклер» фирмаси ускуналарини ўрнатиб, нон маҳсулотларини шу ернинг ўзида кечаси-ю кундузи узлуксиз тайёрлаб харидорларга сотиш ниятимиз бор, — дейди Ҳабибулла ҳожи Аҳмедов.

Дарҳақиқат, дўкон кенгая бошлагач, бир неча ўринларга ишчилар қабул қилинди ва умумий корхона аъзолари сони 46 кишига етди. Ўткир Мирзамуҳамедов, Насиба Ҳошимова, Мурод Сакиев, Гулнора Янгаличова, Рая Едигорян, Умида Раҳматуллаева, Лола Ҳожиева каби хушмуомала, ҳозиржавоб, ширинсухан сотувчилар ишидан барча мамнун. Биз ҳам хайрлашиб, ортга қайтарканмиз, инсон агар бор қувватини ишга солса кўп нарсага эришиш имкониятини мавжудлигига ишондик. Бекатда тўхтаган трамвайдан тушган йўловчилар эса дўконларга «шўнғиб» кетишди, энди улар уйларига хурсанд кириб борадилар.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ,
«Туркистон» мухбири.

## 25 УСТУН

### «Ҳамшира — 95»

## МАВЖУДА ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи шаҳар қўмитаси ва шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими ташаббуси билан «Ҳамшира-95» кўрик-танлови ўтказилди. Унда Қарши шаҳар тиббиёт муассасаларида хизмат қилаётган ёш ва тажрибали ҳамширалар иштирок этишди.

Танлов шартларига тўлиқ жавоб берган 5-сон поликлиника ҳамшираси Мавжуда Юлдошева ғолиб деб топилди. Шаҳар туғруқхонаси ҳамшираси Юлдуз Жалилова иккинчи, 2-сон поликлиника ҳамшираси Озода Тўхтаева эса учинчи ўринни эгаллади.

Кўрик-танлов ғолиблари Ёшлар Иттифоқи Қарши шаҳар қўмитаси ва шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг фахрий ёрлиқлари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.



Тандир тула ёпилди нон... Сураткаш: А. МИРЗАЖОНОВ

### Ақлга сиғдириб кўринг-чи

## ҲАМ ЎЗИ ЁНДИ, ҲАМ...

Брест шаҳридаги дўконлардан бири ёниб кетди. Кўз юмиб очгунча ҳозиру нозир бўлган ўт ўчирувчилар қаердан ўт чиққанини билишгач, ёқа ушлаб қолишди.

Роса «отгач», «учиб» қолган қоровул тамаки тутаман деб...

Ўзи-ку ёнгани майли, дўконнинг ҳам кулини кўкка совурди.

## ИККИ ПОЕЗДНИНГ БИР ҚУРБОНИ

Бошқирдистоннинг Тавтиманова қишлоғи яқинида ақлга сиғмайдиган ҳодиса рўй берди. Уфадан Тавтимановага келаётган ва аксинча Тавтимановадан Уфага кетаётган поезд ҳайдовчиси ҳам 1673-километрда поезд нимагадир урилганини сезиб, уни тўхтатишга шошилишди. Кейин маълум бўлишича, кайфи тароқ «чавандоз» отни учириб келиб, поезддан олдин йўлни кесиб ўтаман деб... буни қаранг, шўрлик бир вақтнинг ўзида ҳар икки поезд ғилдираклари остига тушди.

## МАНА, БЎЛМАСА!..

Нижний Новгород шаҳридаги «Красная этна» корхонаси усталари азалий анъаналарни қадрлашади: масалан, дейлик, болтанинг тиғини олмосдан ҳам ўткир қилиш керак, сўнг гугурт донасини бир урганда шундай тенг бўлакларга бўлиш керакки...

Хўш, ҳозирги ёшлар ҳам бу анъанани қадрлашадими? Маҳсулот цехи бошлиғи муовини шогирдларидан бирини ана шундай аниқликда ишлашга ундовди, тажанг шогирд болтани олди-да, гугурт донасининг эмас, устозининг калласини учириб юборди.

### Шунақаси ҳам бўлади?

## ХОТИНИМ БИЛАН АЖРАШМОҚЧИМАН,—

деди 100 яшар теҳронлик қария.

Мўйсафид худди шу мазмунда судга ариза берди. Унинг айтишича, токи оила қуришгунча у никоҳига олаётган қизнинг феълидаги номақбул жиҳатларни билиб улгурмаган, сўнг фарзанд кўришган. Болалар жабр кўрмасин деб салкам 50 йил тишини-тишига қўйиб яшаган.

«Ҳозир улар вояга етишди ва ота-она меҳрига зор эмас. Мен эса қолган беш кунлик умримни одамга ўхшаб тинчгина кечирмоқчиман»,— деган у.

### Келинг, бир кулишайлик

## ҲАММАСИ ЎШАНДАН БОШЛАНГАН

Туғруқхонада ётган иккиқатларни кўздан кечириб юриб, ҳакимнинг кўзи палатада ётган эркакка тушди.

— Нима бало, аҳир, сиз... Қандай тушиб қолдингиз бу ёққа?

— Э-э, дўхтир, нимасини айтасиз, ҳаммасига ўзим айбдорман: аввал унинг ўрнига қозон-товоқларни ювдим, кейин...

## ҚАЙСИ БИРИ МАЪҚУЛ?

Тақдимнома пайти икки жаноб топишиб қолишди:

— Бизнесмен Сидоровман. Хўш, мана, биз нималарга эгамиз: металл, қоғоз, ўрмон...

— Танишганимдан хурсандман. Камина Петров, турма бошлиғи. Сув, қотган нон, панжара...

### Сенинг тенгдошларинг

# ЮРАКДАН КУЙЛАНГАН ҚЎШИҚ



*Муҳаммадкарим СОИПОВ. Ўш шаҳрида туғилган. Уйланган. Икки ўғли бор. «Камолот — 89» танлови ғолиби. Айни пайтда Ўзбекистон Маданият Вазирлиги қошидаги «Аламжон» эстрада гуруҳи бадиий раҳбари.*

— Муҳаммадкарим ака! Сизда санъатга муҳаббат қачон пайдо бўлган?

— Беш ёшимда Қуръондан баъзи сураларни қироат билан ўқирдим. Қўшиқ айтишимга ҳавас ўшандан бошланган, деб ўйлайман. Кейин ҳинд кинофильмларида ижро этилган қўшиқлар ҳам мени бефарқ қолдирмасди. Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Ортиқ Отажонов, Шерали Жўраев каби халқимиз ардоқлаган санъаткорлар таъсири боисми 14 ёшимда тўйларда қўшиқ айта бошлаганман.

— «Камолот—89» танловида мутлоқ ғолиб бўлгандингиз. Шу муваффақият насиб этади, деб ишонармидингиз?

— Йўқ. Мен фақат танловда иштирок этиш учун келган эдим. Ғолибликни хаёлимга келтирмаганман. Лекин мухлислар санъатимни қандай қабул қилишаркан деган ҳаяжон бор эди, албатта. Агар санъаткор яхши қўшиқ ижро эта билса, мухлислар нафақат қўшиқни, балки санъаткорнинг ўзини ҳам ёқтириб қолади менимча.

Биласизми, Паганини деган скрипкачи ўтган. У скрипкасини чалганда, одамлар соатлаб киприк қоқмай тинглашаркан. Унинг бундай куйларини эшитган бир бадавлат киши «...Шу куй учун қанча берайин?»— дебди. Шунда Паганинининг жаҳли чиқиб: «Куйни-ку баҳолаш мумкин, лекин мен унга юрагимни қўшиб куйлаяпман, буни қандай баҳолайсан», деб жавоб берган экан. Аввало санъаткор яхши қўшиқ ижро этиш учун қўшиқни юракдан айта билиши керак. Танловда айтган қўшиғимни, умуман, қандай қўшиқ айтмайин уни юрагимдан айта билишга ҳаракат қиламан. Янглишмасам, сиз мендан санъаткор яхши қўшиқ ижро этиш учун нималарга қодир бўлиши керак, деб сўрамоқчисиз. Бунинг учун санъаткорга яхши овоз ва саҳна санъати ёр бўлиши керак.

Санъаткор одамлар эътиборидаги шахс. Ўйлаб кўринг, ҳеч вақт дилида қўшиқ айтишга эҳтиёж бўлган, санъатимни халққа намойиш қиламан деган одам пул учун куйлайдими? Йўқ, ундай эмас. Ҳақиқий санъаткор тўйда пишди. Тўйни тўлқинлантира олган ҳофизгина санъаткордир. Санъаткорман деган одам 5-6 соат қўшиқ айтиб ўзини синасин. Менимча, шу соҳанинг ҳақиқий эгаси учун уч нарса кифоя: тор, доира ва овоз. Санъаткор ана шунда нимага қодир эканлигини кўрсатади, албатта у шу ҳаёт, шу одамларни, шу юрт, шу Ватанни севса.

— Ойнаи жаҳонда кам кўринаяпсиз?

— Ойнаи жаҳонда ҳам кўрсатувлар тайёрлаяпмиз. Худо хоҳласа, бундан буён тез-тез чиқиб туришни режалаштирганмиз.

— Сиз ташкил этган «Аламжон» эстрада гуруҳида халқимизга таниш санъаткорлар ҳам борми?

— Бор. Масалан, Юлдуз Абдуллаева, Азим Муллахонов ва бошқа умидли ёшлар фаолият кўрсатишмоқда.

— Сизни бир пайтлар театрда ҳам ишлаган дейишади?

— Ҳа. Қирғизистоннинг Ўш давлат театрида ишлаганман.

— Ҳар бир инсоннинг юрагида ушалмаган орзу-умидлари бўлади. Сизни...

— Худога шукр: ёшлигимда нимаики ният қилган бўлсам, ҳаммасига эришдим. Энди бир катта орзуим бор. Бу ҳам бўлса юқорида номлари зикр этилган устозлар сингари халқимизга, шу азиз Ватанга хизмат қилсам, истиқлол ишига камарбаста бўлсам, ҳаётда бир из қолдирсам, дейман...

Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ,
Жаҳонгир ТЎЙБОЛАЕВлар суҳбатлашди.
ТошДУ толиблари.

### Миллий спортимиз ҳақида ўйлар

# ФАРҒОНА УСЛУБИДАГИ ОСИЁ КУРАШИ

## Биринчи мақола

**·Полвонлар юрт фахри.**
**·Бир мушт билан ўлдирадиган жаллод**
**·Аҳмад полвон немис полвони Риппелни қандай қилиб йиқитди?**

Дунёдаги ҳар бир миллатнинг ўз миллий кураши бўлганидек, қадим туронюртликларнинг ҳам фарғонача ва бухороча деб номланадиган кураш турлари бор. Ҳар иккала кураш тури асрлардан-асрларга ўтиб бугунги кунимизгача етиб келган. Туркий халқларнинг узоқ тарихга эга бўлган миллий спорт турларидан бири - кураш асрлар давомида ривожланиб, кишиларга завқ-шавқ бахш этиб, мардларнинг майдондаги маҳоратига, матонати ва кучқувватига ўлчов тоши бўлиб келди. Курашга тушувчи полвонларнинг чиқиши турли муносабатлар билан ўтказилган халқ сайилларида энг қизиқарли ва жозибали ўйинлардан ҳисобланади. Илгаридан полвонлар эл ичида эъзозланар, уларга миллий қаҳрамонлар сифатида қаралар эди.

Машҳур полвонлар Эрон, Туркия, Юнонистон, Ҳиндистон сингари мамлкатларга бориб, ўз халқи шарафини ҳимоя қилардилар.

Миллий кураш темурийлар замонида, ундан олдин ва кейинги даврларда ҳам халқнинг севимли спорт ўйинларидан бўлиб келди. Кураш соҳасида оламга донг таратган ўзбек полвонлари тарих саҳифасида ўчмас из қолдирдилар. Бундай курашчилар номига «полвон», «паҳлавон» сўзлари уйғунлашиб кетган. Ўзбек адабиётининг забардаст шоири Паҳлавон Маҳмуд ва Аҳмад полвонлар ўз даврининг енгилмас курашчилари эди.

Фарғонача ва бухороча кураш турлари бир-биридан тубдан фарқ қилади. Биз ушбу мақоламизда фарғонача кураш тўғрисида сўз юритмоқчимиз.

Венгриялик машҳур ёзувчи Л.Куннинг «Умум жисмоний тарбия маданияти ва спорт» китобида бу курашнинг узоқ тарихга эга эканлиги айтилган. У бу спорт тури билан Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Урта Осиё яъни, Турон ерларида шуғулланишгани ҳақида гапиради. Бунинг исботи учун Л.Кун Месопотами еридан топилган эрамиздан III минг йил илгари бронзадан ишланган икки одамнинг курашаётган ҳайкалчасини келтиради. Ҳақиқатан ҳам, бу ҳайкал фарғонача миллий кураш турига ўхшайди. Ундан ташқари бу кураш билан Европада ҳам шуғулланишган. Муаллиф исбот учун Женева шаҳрида 1857 йилда чиққан календар суратларини мисол келтиради. Унда Швейцария қишлоқларида бизнинг курашга ўхшаш спорт тури билан беллашаётган полвонлар тасвирланган.

Искандар Зулқарнайн Урта Осиёга юриш қилганда ҳаддан ташқари толиққан оти тошқин дарёдан ўтаётиб ағанаб тушади. У отини турғизмоқчи бўлганда қўлидан қамчиси тушиб оқиб кетади. Жаҳонгирнинг жаҳли чиқиб «Йўлимда ким биринчи учраса, қатл этаман», деб қасам ичади. Ва ниҳоят унга бир йўловчи - тоғли суғдий учрайди. Зулқарнайннинг ёнидаги вазири унга, сен йўқолган қамчи учун қатл қилинасан, дейди. Тоғли суғдий мағрур жавоб беради: «Бир инсоннинг ўлими учун минг қамчи ҳам камлик қилади. Айниқса, менинг ўлимим учун» дейди. Шунда Искандар Зулқарнайн «Бунчалар мағрур бўлмасанг, ўзингга катта баҳо беряпсан», деганда чўпон унга таъзим қилиб, «Мен курашни яхши эгаллаганман», дейди. Зулқарнайн «Менинг йигитларимни бир кўриб қўй бўлмасам», деб икки грек полвонини кураштиради. Ҳар иккаласининг мускуллари бўртиб чиққан эди. Чўпон уларнинг курашини кузатиб туради. Охири бири иккинчисини кўтариб ерга уради. Шундан сўнг Зулқарнайн чўпонни ғолиб грек билан курашт ирадди. Тоғли суғдий ниҳоятда миллий кураш усулини пухта эгаллаган бўлиб, дарҳол рақибининг белидан маҳкам ушлаб, кўтариб ташлайди. Кейин бирин-кетин полвонларни йиқита бошлайди. Зулқарнайн бу суғдий қачон енгилар экан, деб тоқати тоқ бўлиб, бош қўриқчисига қарайди. Хуллас, ўттизга яқин полвонни йиқитгач, Зуқарнайн мушти зўр жаллодини ўртага чақиради ва «Агар шуни ҳам енгсанг, тилагингни бажараман» дейди.

Жаллод ўлимга маҳкум қилинганларни бир мушт билан уриб ўлдирадиган бўлади. Ниҳоят охирги яккама-якка кураш бошланади. Жаллод кутилмаганда суғдийнинг йўғон бўйнига қараб бор кучи билан уради. Суғдий ўзини тутиб олиб, иккинчи маротаба тезлик билан келаётган жаллодни кўтариб қаттиқ айлантирганча Искандарнинг оёғи тагига ташлайди. У ўрнидан туролмай қолади. Искандар суғдий энди олтин сўраса керак деб ўйлайди. Полвон эса «Мен бир йўловчи эдим, йўлимдан қолмай, тилагим шу» дейди. Искандар мулзам бўлиб қолади.

Урта Осиё ҳудудларида кураш мусобақалари X асрларда ҳам ўтказилган. Масалан: хитойликларнинг «Тан Шу» қўлёзма асарида кўрсатилишича, Фарғонача Наврўз байрамида шаҳар аҳолиси икки гуруҳга бўлиниб, кураш тушганлиги таъкидланади.

Абу Али ибн Сино тиббиётда жисмоний машқларнинг роли катта эканлигини илмий асослаб берган. Ибн Сино ўша вақтдаги халқ миллий кураши ҳақида қимматли фикрлар қолдирган. Масалан, у шундай ёзади: «Кураш ҳар хил бўлган. Шулардан биттасида икки эркак бир-бирларининг белбоғларини ушлаб ўзига тортади ва ҳар бири ўз рақибидан қутилишга интилади, лекин бири бошқасини қўйиб юбормайди. Иккинчиси, полвонларнинг ҳар бири иккала қўли билан бошқасини қучоқлайди». Мана шу мисоллардан биз ҳозирги замон миллий кураши қадимдан қўлланиб келинганлигини биламиз. Шундай қилиб, Ибн Синонинг ёзишича 1000 йил илгари ҳам миллий курашнинг икки тури бўлган.

Ўзбекистон тўғрисида гапирадиган бўлсак, Қўқон хони Худоёрхон ҳам ўз даврида ўттизга яқин полвонни ўз қароргоҳида ушлаб, уларга ҳурмат билан қараб келган. Кекса полвонларнинг айтишича, Худоёрхон курашни жуда яхши кўрган ва сайллару тўйларда кураш қилиб, ўзи бу томошадан ҳузур қилган.

Ўтган асрнинг охирида Туркистонга чет эллик полвонлар келиб, маҳаллий халққа ўз ўйинларини намойиш қила бошлайдилар.

1895 йили машҳур немис полвони Риппел Тошкентга келиб, циркда, ўз кучи, маҳорати билан ҳамма томошабинларни қойил қолдириб юрарди. Унинг оғирлиги саккиз ярим пуд (133 кг) бўлган саккиз пудли чўянни икки қўли билан, 16 пудли чўянни кифти билан кўтариб томоша кўрсатар эди.



Носиржон АЗИЗОВ,
Ўзбекистон миллий кураш федерацияси аъзоси. Фарғонача кураш спорт устаси.

### Врач маслаҳати

# ТОЗАЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Мутахассис сифатида ҳаётимизда учраб турадиган вирусли гепатитлар А ва Е тўғрисида бир оз тўхталиб ўтмоқчиман. Бу хасталикни асосан энтеровируслар гуруҳига кирадиган гепатит вируслари қўзғатади. Хасталик тарқатувчи дастлабки омил эса, гепатит А, Е билан оғриган беморлар ҳисобланади. Бу А, Е гепатитлари ўткир юқумли хасталик бўлиб, эпидемик жараён сифатида намоён бўлади. Улар бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб, ўзига хос эпидемиологик хусусиятларга эга.

Соғлом кишиларга касаллик ифлосланган сув, озиқовқат ва идиш-товоқлар орқали юқади. Ифлосланган сувдан юққан хасталик гепатит Ега хосдир. Вирусли гепатит Ага нисбатан гепатит Е Ўрта Осиё ясситоғлик районларида кўпроқ учрайди. Бу касаллик билан асосан 15 — 30 ёшдаги кишилар оғрийдилар. Е гепатити, айниқса, ҳомиладор аёлларда оғирроқ ўтади. Ҳатто сурункали турига айланиб қолиши ҳам мумкин. Бу ҳолда жигар фаолияти бузилиб, оғир оқибатларга олиб келади.

Соғлом организмга гепатит А, Е вируси тушгандан то хасталикни биринчи белгилари юзага чиққунча ўтган давр хасталикни яшириш (инкубацион) давр дейилади. Бу давр вирусли гепатит А учун 15 — 35 кунни, гепатит Е учун 15 — 60 кунни ташкил қилади. Касал сарғайгунгача бўлган даврда, сарғайишни бошланиш даврида бемор ўта юқтирувчан бўлади. Бу пайтларда беморда тинка қуриши, иштаҳани йўқолиши, кўнгил айниши ва баъзида қусиш ҳоллари кузатилади. Е гепатитда эса, айниқса, ўнг биқинда оғриқ кучлироқ сезилади. Хасталикни ўткир даврида жигар шишади, қон ферментлари ва бошқа кўрсаткичлар кўтарилиб кетади.

Хасталикни аҳоли орасида кенг тарқалиб кетмаслиги учун ҳар бир фуқаро шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши, сувни ифлослантирмаслиги, оилада, болалар муассасаларида идиш-товоқларни тоза ювиш ва чиқинди — ахлатларни махсус ажратилган жойларга тўксаккина ўзимизнинг соғ-саломат бўлиб юришимизга замин яратган бўлардик.

Зумрад ХЎЖАЕВА,
Тошкент шаҳар «Саломатлик» маркази врачи.

### Қанотли хабар

## ФАХРЛИ ИККИНЧИ ЎРИН

Туркманистоннинг талабалар спорти миллий федерацияси эркаклар командалари ўртасида баскетбол бўйича халқаро турнир ўтказди. Унда ҳамдўстлик мамлакатларидан ўнга яқин жамоа иштирок этди. Мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қилган Бухоро талабалар командаси нуфузли мусобақада муваффақиятли иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Биринчи ўрин майдон эгалари ашгабатликларга, учинчи ўрин эса бокулик талабаларга насиб этди.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири

# «СОЛЛАНИБ ОҚАЁТГАН ДАРЁ...»

Ёзувчи ва публицист Сайди Умировни ҳам, устозимиз, профессор Ғайбулла Саломовни ҳам яхши танийимиз. Аммо, юқорида номи зикр этилган китобни ўқиб чиқиб, устозларимизни қайтадан кашф этгандек бўлдик. Тўғри, «Ажойиб кишилар ҳаёти» сериясида босилган бир туркум китобларни мутолаа қилганмиз. Аммо, Ғайбулло ас-Саломнинг ҳаёти ҳақида битилган рисола бизда бошқача таассурот қолдирди. Балки, ёзувчи С. Умировнинг иқтидори туфайли ушбу китобча жуда ўқимишли чиққандир, балки, ростдан ҳам домла тақдиридаги ажойиботларда илоҳийлик бордир. Нима бўлганда ҳам, «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган ушбу асар ва унинг қалб уммонидан-да кенг қаҳрамони бизни янги дунё томон етаклади десак муболаға бўлмас.

Инсон табиатини ўрганишдан-да мураккаб иш йўқ. Аммо, ҳамнафаслик, ҳаммаслаклик, кейин ўша «қаҳрамон» ҳаётига жиддий қизиқиш жуда кўп очилмаган, кўпгина таниш-нотаниш кишиларга сир бўлган ҳаёт қирраларини очиб бериш учун омил бўлиб хизмат қилади. Балки, китобчанинг ўқимишли, қизиқарли чиқишида Сайди Умиров билан Ғайбулло ас-Саломнинг бир-бирларини тўғри тушунишлари сабаб бўлгандир. Ҳар қандай психолог, яъни руҳшунос олим ҳам инсон табиатига, унинг характерига Сайди Умировчалик кириб бора олмайди. «Солланиб оқаётган дарё» китобини тушуниб, ўқиб, ўқиб чиққан киши бир йўла икки кишини — ҳам Ғайбулло ас-Саломни, ҳам Сайди Умировни қайтадан кашф қилгандек бўлади. Ҳали кўпгина ёзувчилар айта олмаган, танқидчилар айтишга истиҳола қиладиган жамиятнинг синоатлари, сирлари, тугунлари китобчада нозик бир дид билан, ҳис билан айтилганки, СЎЗШУНОСЛИК бобида жуда катта ишлар қилиш кераклигига минг бор тан берасиз.




Ғайбулло ас-Саломдек олим ҳаётини ўрганиб чиқишнинг ўзи ҳаёт мактаби ҳисобланади. Худди ана шу буюк сирни Сайди Умиров жуда тўғри тушунган ва ўқувчилар ҳукмига гарчи мўъжаз бўлса-да, ниҳоятда қимматли ва қадрли китоб туҳфа этган.

Таржимашунослик билан боғлиқ ишларга ўз умрини, ҳаётини бағишлаган Ғайбулло ас-Салом иқтидорли шоир сифатиа ҳам ном чиқарди. Рисолада Сўзшунос олимнинг шоирлиги ҳам ёрқин таассуротлар билан берилган. Домланинг «Ваҳийдан келур бир садо» китобини мутолаа қилиб у кишининг ижодларига қизиқишимиз ортганди. Мазкур — «Солланиб оқаётган дарё» рисоласи эса ана шу камтарин, камгап, ишчан, ўта ростгўй, латофатли инсоннинг ҳаёт қирраларини янада очиб беришда, ундан ибрат олишда ўз олдига қўйган вазифани шараф билан удалаган десак ҳам янглишмаймиз.

Ғайбулло ас-Салом ҳақида яратилган мўъжаз рисолада олимнинг бутун ҳаёт қирраларини юз фоиз очиб беришнинг албатта иложи йўқ. Аммо, китоб муаллифи ўз мақсадига эришган, негаки, ўзи устоз санаган, ҳамфикр олимнинг энг ибратли ҳаёт қирраларини кўрсата олган.

Саид МЕЙЛИЕВ,
Нодир МАХМУДОВ.

### Газета саҳифаланаётганда:

## ЧАҚАЛОҚЛАРГА ЯНГИ ГУВОҲНОМАЛАР

Андижондаги 3-туғруқхонада таваллуд топган чақалоқларга туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаларнинг янги нусхалари топширилди.

Тантанада шаҳар ҳокимлиги, фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими ходимлари ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашиб, мустақил давлатимизнинг келажаги бўлган болаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, оналар ва болалар учун яратилаётган имтиёзлар учун республика ҳукуматига миннатдорлик билдирдилар. Чақалоқларга совғалар улашилди.

Қ. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

### КЕЛГУСИ СОНДА:

- Насиб этса, келур Шому Ироқдин...
- Енгилмас

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон
TURKISTAN

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан «Ёш ленинчи» номи билан чиқа бошлаган

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-84; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. —— 0106
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
22006 нусхада босилди, ҳажми —— 2 табоқ.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——21.00
1 2 3 4 5 6